






ДУСТОНА АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ!



ЗУЛФИЯ, Ўзбекистон ССР халқ шоири

Халқимга айтар сўзим

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг, Қалбимдаги саҳром, дарёман, халқим, Сени сева-сева мен бойиб кетдим, Дунём ичра топган дунёмсан, халқим!

Юрак чақмоқ теккан осмон юзидай, Лекин эътиқодим, имоним бутун, Етмиш йил қилганим кўлим-озимдан Сenga ҳисоб бериб турибман бу кун.

Менга Навоидан айтнинг алла деб, Лутфийдан онгимга зиё таратдинг, Қийналган оламга бўлсин далда деб, Асли ўзинг мени шоир яратдинг.

Пушкинни ўқидим — танидим эркин, Ленинни ўқидим — ҳақни танидим, Аёзинг, унингга кўксимни бериб, Армонин танидим, бахтини танидим.

Еш шуур, курашчан туйғулар билан Сенинг тақдиринга маҳкам туташдим, Уруш томиринга оғу қуйган дам Кўпнинг бири бўлиб малҳамта шошдим.

Сарайган даштларга бердинг яшил қон, Тупроқ тепаларга шаҳар қўтардинг, Ҳар бир галабагини қўрган суюқ он Дилдаги ўз гамини қўйиб чўкарди.

Йўл юрдим, соғиндим, тўкилди байтиб Хоржийнинг шовжлари, саҳарларига, Зағу истақларинг жаранглаб айтдим Оснэ, Африка минбарларига.

Пахта хирмонининг ўсиб бўйлари, Таниди, тан олди яқини йироқ, Фуруридан денгиздай тўлиб куйладим Толелар тиладим бундан ёрқинроқ.

Мақтублар ёздим сен, мақтублар битдим, Гоҳ кузга нам қалқиб, гоҳида хушбахт, Шетр билан, сўз билан қалбимга етдим, Уша қалб мен учун энг шарафли тахт.

Кўзим устидасан бу тугенди дам, Сен билан тақдирлош кундузли бўлдим, Сени деб сийлади партия, Ватан, Эъзозли бўлдим мен, юлдузли бўлдим.

И. АЛИНОВ, ЎЗТАГ мухбири.

Ҳали бор олдинда ўтмаган бурчим, Ўтайман кўзимда тирик турса нур, Умиримдаги барча фасллар учун Халқим, жоним, сенга буюк ташаккур!

Йашас азиз ҳисси танда кезганда, Умирим, эртани тугилар ҳар боб — Ҳаёт ўзин хаста, занф сезганда Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар саҳфанг ўқилган янги бир китоб, Утмишим, эртани тугилар ҳар боб — Яшас ва ёзишга қилганда хитоб, Сукут ҳижолатим энгмоқ азмида Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар фасл бир ажаб тароват тўкса, Тўкин куз ҳосили шохларни букса, Янги ризқ — ёмига, қор тошларга чўкса, Сукут ҳижолатим энгмоқ азмида Сени куйлайман, ҳаёт!

Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим, Гоҳ чақмоқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим, Меҳнат зафарларим, бешифо дардим, Дўстанд мейр-мақтуб кутмоқ азмида Сени куйлайман, ҳаёт!

Сенинг ўзинг ширин ва тансиқ тухфа, Ҳар умр бахт шонин йўғирар супра, Йўғурмоқ минг тахлит ва минг бир турфа; Бу мактабни қайта ўтмоқ азмида Сени куйлайман, ҳаёт!

Куйлайман, куйламоқ кун сари мушкул, Мен сенман, сен менинг борлигим буткул, Елкамга юк ортиб, қўлимдан туттип, Бу бахтин назима тўкмоқ азмида Сени куйлайман, ҳаёт!

Сенинг қиш тўққан муз ҳисли қафас, Мана, яна кушлар чуғураб қолди, Она нигоҳидай мулоийм нафас Замину Осмонни бағрига олди, Демак, баҳор келди.

Бу нафасдан ерда кекса-ю ёшнинг Олди, хечрасида эғзу рўшнолик, Дов-дарахт кияжак зилол либосинг

Демак, баҳор келди...

Синди қиш тўққан муз ҳисли қафас, Мана, яна кушлар чуғураб қолди, Она нигоҳидай мулоийм нафас Замину Осмонни бағрига олди, Демак, баҳор келди.

Бу нафасдан ерда кекса-ю ёшнинг Олди, хечрасида эғзу рўшнолик, Дов-дарахт кияжак зилол либосинг

Эл ардоқлаган шоира

Халқимизнинг ардоқли шоираси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулфия етмиш беш баҳорини қарши олмақда. Шоирамизнинг кечинмаларга бой, латиф ва зариф, Ватанга ёрқин муҳаббат, инсонга садоқат ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи шеъринини нафақат жумҳуриятимизда, балки Иттифоқимиз ва унинг сарҳадларида ҳам севиб ўқишади.

Эл назарига сазовор шоирамизни кўпсонли мухлислари, «Совет Ўзбекистони» муштарылари номидан таваллуд айёми билан чин дилдан қутлаймиз. Сихат-саломатлик, янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

Зилол барин тутиб югурар шодлик, Демак, баҳор келди.

Келар деб шу сийқа қадим йўл билан, Эғзу нитқидида кўнчибди тошлар, Не тақдор, бетакорр илиқ қўл билан Соҳмоқда гулларга ишқдан қўшлар, Демак, баҳор келди.

Саховат момоси — тоғнинг кўксидан Кўлириб, ҳайқириб сути тўкилиши, Заррасен сочилиган музлар устида Шошқалоқ гўнчалар чоки сўкилиши, Демак, баҳор келди.

Ҳаниша неъматга ҳомилда тупроқ Тўлишган танин солини офтобга, Деҳдон қўлигана танин қўнғироқ — Ярандор қуртаклар етибди тобга, Демак, баҳор келди.

Яна бедор, маъсум тун оғушида Одилайди сирлар, ширин шивирлар Бетобе шаббод нур хоҳуида Юлдуздай сенмақда жоду, сеҳрлар, Демак, баҳор келди.

Келди баҳор! Кетар ташлаб уйғонши, Бузун курашганга битта баҳор у! Одилим, қотилми — ҳар жонга таниш, Меҳр маъбудаси наврўз-наҳор бу. Ахир, баҳор келди.

Бу кун йўлларига олов қўп, зор қўп, Жаҳонда қанча жон чиқмайдди пешвоз, Деҳдон уруғ сочин, Деҳдон уруғ сочин, Деҳдон уруғ сочин, Деҳдон уруғ сочин.

Кўвгин эллар қушдай юртга, Қўвгин эллар қушдай юртга, Қўвгин эллар қушдай юртга, Қўвгин эллар қушдай юртга.

Ахир, баҳор келди.

На маъсуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу, Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар Давлатлар!

Илтижо, фармон, исён бу: Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар, Баҳор боқий келсин!

Аянқ тақдирларга бўлиб таянчлар, Бахтияр ишонч у, бахтияр тола, Абал қонунидан элмоқ севишлар, Қабоҳат, хунрезлик бўлмасин мене, Баҳор боқий келсин!

Ўқ ортган кемалар денгизга ботиб, Чирисин! Тин олсин эллар, одамлар, Одамлар, ўлдириган одамни отиб, Баҳор қай қайта келмас одамлар! Баҳор боқий келсин!

МУКОФОТЛАР КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНАЪТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА НАВОИЙ НОМЛИ ВА ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН АСАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР

1. Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари номидаги тақдим этиш ва мукофотлаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг «Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари тўғрисида» 1989 йил 13 сентябрда қабул қилинган 296-рақамли қарориде тасдиқланган низоомларга қатъий асосланган ҳолда амелга оширилади.

2. Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари адабиёт, журналистика, фан бўйича тақдим этиладиган асарлар нашрининг ҳар бири тўрт нусхадан тақдим этилади; музика партитуралари икки нусхадан, программ асарлар учун — уларнинг программаси, вокал асарлар учун — мухлисий саҳна асарининг либретто матни (илк ижро этилган пайти кўрсатилган ҳолда) қабул қилинади;

3. «Концерт-инструментал фаолияти бўйича» — ижрочилар ва ансамбллар қатнашган программа ва ҳар бир номернинг илк марта оммавий ижро этилган вақти аниқ кўрсатилади;

4. Айтиш вақтида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетига куйидаги ҳужжатлар ҳам тақдим этилади: — мутахассисларни ҳисобга олиш варақаси, номзоднинг таржима ҳоли ва 12х9 см ҳажмидаги фотосуратлари, ижодий фаолияти давомида олган барча мукофотлари рўйхати;

5. Навоий номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофотини олиш учун ҳоржий тилларда нашр этилган асарлар, уларнинг ижро этилганлиги, намойиш қилинганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи программалар, афишалар, каталоглар ва бошқа хўжжатлар мазкур йўл-йўриқларнинг 2-моддасига тўлиқ мос келган ҳолда қабул қилинади.

6. ЎзССР Давлат мукофоти тақдим этиладиган асарлар, номзодлар ҳақидаги афишалар, каталоглар ва бошқа хўжжатлар мазкур йўл-йўриқларнинг 2-моддасига тўлиқ мос келган ҳолда қабул қилинади.

7. Навоий номи ва Ҳамза номи Давлат мукофотлари тақдим этиладиган асарлар ва асарларга оид барча хўжжатлар куйидаги адресга юборилиши керак:

700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Навоий номи ва Ҳамза номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари Комитети, телефонлар: 45-83-26; 45-85-20.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Оёққа туришда ёрдам беринг»

Газетамизнинг ўтган йили 23 ноябрь сомида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада ногиронларга ёрдам кўрсатиш, уларга протезлар тайёрлаш талаб даражасида эмаллиги таъмин қилинган эди. Қуйида ушбу мақола юзасидан олинган жавобларни эътиборингизга ҳавола этаемиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРЛИГИ:

Мақолада министрликда «Протезчи» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Р. Миссов иштирокида кўриб чиқилди ва ундаги танқидий фикрлар тўғри, деб топилди.

Ҳозир мақолада таъкидланган эътирозларни тугатиш, протезлаш ишлари бўйича штатларни юқори малакали мутахассислар билан тўлдирив ва ортопедик бўлмаларнинг сифатини оширишга оид амалий ишлар қилинмоқти.

Мақолада Енгил санаят министрлиги шанига айтилган танқидий гаплар ҳақида гапирадиган бўлсак, дарҳақиқат қатор йиллардан бери министрлик системасида кемчиликлар давом этиб келмоқда. Сифатли чарм махсулотлари етказиб бериш ҳақидаги масала ҳамон ҳал этилмаётир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ:

Мақола министрлик мута-

садди ходимлари ва мутахассислари томонидан кўриб чиқилди. Ундаги «Протезчи» ишлаб чиқариш бирлашмаси Самарқанд кўн заводи томонидан сифатсиз чармлар билан таъминлангани тўғрисидаги хабар атофлича ўрганилиб, баён этилган фактлар асосан тўғри, деб топилди.

Самарқанд кўн заводида ишлаб чиқарилаётган чармлар сифати масаласи Енгил санаят министрлигининг 30 ноябрда ўтказилган маъсум коллегии йиғилишида завод раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Чарм сифатини яхшилаш борасида тегишли чора ва тадбирлар амалга оширилмагани учун сифат бўйича директор ўринбосари Зариф Бозоровга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Таъминот бўйича директор ўринбосари Юрий Тюгайга ҳам чармларнинг истеъмолчи корхоналарга ўз вақтида етказиб беришда йўл қўйган хатолари учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Ушбу тадбирлар Самарқанд кўн заводида ишлаб чиқарилаётган чарм сифатини яхшилашга хизмат қилади, деб ишонима ва «Протезчи» бирлашмасига ҳам сифатли чармлар етказиб беришга ишон беради.

Суратда: Нодира Ҳамроева.

Э. ҚУЛМУРОДОВ сурати.



Қаҳқадарё область Китоб райониндаги Охунбоев номи совхоз чорвадорлари йилдан-йилга махсулдорлигини оширишга эришмоқдалар. Бу борада хўжалиқнинг миришкор мол-бондарлари, сут соғувчилари астойдил меҳнат қилишляпти. Улар орасида илгор сут соғувчи Нодира Ҳамроева ҳам бор. У 18 бош сизиринг ҳар бирдан бу йил 3500 литрдан сут соғиб олишга сўз берган.

КУН ТАРТИБИДА- ИККИ МАСАЛА

Тошкентда «Узхлопкомпром» республика ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли корхона ва ташкилотлар меҳнат коллективлари раҳбарлари ҳамда вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Иккита масала муҳокама қилинди: бирлашманинг янги бош директор сайланиш ҳамда республикадаги етацик тармоқлардан бирининг бултурғи иш якуналари чиқарилди.

Илгари «Узхлопкомпром» системасида ва республиканинг план органларида ишлаган А. Т. Турсунов бирлашманинг бош директори этиб сайланди. (ЎЗТАГ).

Олимлар—қишлоқ хўжалигига ЎСИШНИ ТЕЗЛАШТИРУВЧИ МОДДА

Ўзбекистон Фанлар академияси Химия институтининг таъин қилган доктори С. Усмонов бошчилигидаги тадқиқотчилар томонидан 1985 йили ТЖ-85 номи усимликларнинг ўсими ва ривожланишига ижодий таъсир қиладиган янги (стимулятор) модда олинган.

Бу модданинг ёзуга таъсирини ёзу селекцияси ва уручилиги илмий-тежириниш институтининг уручилиқ лабораторияси мудири Ҳ. Раҳимов, Бутиунтифоқ пахта биология илмий-тежириниш институтининг (СОУЗНИХИ) лаборатория мудири Д. Мухитидинова ҳамда кичик илмий ходим Р. Норбоевлар томонидан 1986—89 йиллар давомида ил-

мий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганилди. Кўп йиллик тажрибалар шунини кўрсатадики, ТЖ-85 яхши стимулятор бўлиб, ҳозирда ишлатилаётган мивал моддасига нисбатан 1,7 баробар самарали бўлиб пахта ҳосилдорлигини 4—5 центнерга оширади. Бундан ташқари ёзу ирсиятига ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирини йўқитиб, чигитда ёғ тўпланишини оширибгина қолмай, пахта толасининг музунлиги, лишиқлиги ҳам ижодий таъсир кўрсатади.

Ўтган йили Сидраёв вилоятининг Зомин ноҳиясига қарашли «Прогресс» совхозида 800 гектарга, «Янги ҳаёт» совхозида эса 400 гектарга, қўш-

ни Қозғонистон республикасининг Чимкент вилоятиндаги Тимирязев номи ва Исхонова номи совхозларда 3000 гектарга экинган чигитларга ТЖ-85 моддасининг 0,01 процентли сувлри эритмаси ёрдамида ишлов берилди.

Тажриба натижаси шунини кўрсатадики, лабораторияда олинган натижалар 4200 гектар пахта майдониде тасдиқланиб, ҳосилдорлик мўлжалдаги нисбатан 4—5 центнерга ордди. Х. ИСОҚОВ, техника фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИДА

27 февраль кунин Ўзбекистон ССР Прокуратурасида мувофиқлаштирувчи

кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда хуқуқий муҳофаза қилиш органлари, бир қанча халқ хўжалиги идоралари ва маҳкамаларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этдилар. Республика агросаноат ком-

плекси корхоналарида ва ташкилотларида хуқуқ бузилишлари, қўшиб ёзиш, ўғирлик ва суниетсизмоллар, хўжасизлик ва исрофгарчилик фактларининг олдини олиш ва уларнинг пайини қирқиш, меҳнат ва

давлат иттизомининг мустаҳкамлаш борасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, қучғайратларини мувофиқлаштириш муаммолари муҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари фикрлашиб олдилар, иш

тажрибасини ўртоқлашди-лар ва хуқуқ-тартиботини мустаҳкамлашга, мажарул қонуиларини янада самарали қўлланашга қаратилган конкрет тақлифлар киритдилар. Тегишли тавсиялар қабул қилинди. (ЎЗТАГ).

Мухаррир Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР 1990 йилги пул-буюм лотереяси биринчи чиқарилиши бўйича 23-24 февралда Олмалиқ шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

1 РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг олти разрядига умумий суммаси 1.684800 сўм бўлган 588 та буюм ва 245412 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқ тиражи лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган

билетларга ҳам туланади. Масалан, серия номери 006755, билет номери 174 бўлган лотерея билети «Волга ГАЗ-24» автомашинаси ютуқлиги кўрсатилган. Бу — худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия

ва номерли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери куйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Table with 4 columns: серия номерлари, билет номерлари, ютуқ номи, сўм. It lists lottery results for various prizes like «Бирюса» холодильники, «Жигули ВАЗ-2108», «Снежинка» мотоцикли, etc.

\*) Шу сериядаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

- 1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа, шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.
2. «Волга ГАЗ-24», «Жигули ВАЗ-21063, 2108» автомашиналари, «Урал ИМЗ-8103» мотоцикллари СССР Жамғармалар банкнинг Ўзбекистон республика банки нарядига буюм «Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент базаси томонидан берилди.
3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 1100 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати Иттифоқдор республикалар, область ва шаҳарларнинг жамғармалар банкларидан ҳам туланаверади.
4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1991 йил 30 июнгача топшириш мумкин. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тулаш учун қабул қилинмайди.
5. Бошқа иттифоқдор республикаларда ўтказилган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги жамғармалар банкларидан тенгириш ва ютуқларни шу банклар орқали олиш мумкин.
Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан кейин туланади.
ЭСЛАТМА: Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар бошқа маркалардаги шунга ўхшаш буюмлар билан алмаштирилади. Агарда буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нархлар бўйича туланади.
Бундай пайтда нархлар ўртасидаги тафовут қиймати туланмайди.
Агарда «Жигули» автомашинасининг модификацияси ўзгарган тақдирда ютуқ ўша маркадаги бошқа модификациядаги автомашина билан алмаштирилади ва бу вақтда ютуқ эгаси машина баҳосидаги тафовут қийматини туламайди.
Агарда лотерея билетининг эгаси ютуққа чиққан автомашина қийматини нақд пул билан олиши хоҳласа, у ҳолда лотерея ўйини шартлариغا буюм унга ютуқ қиймати туланади.
Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. В. ЮГАЙ.
Тираж комиссиясининг масъул котиби — Ўзбекистон ССР Республика Жамғармалар банкнинг давлат заёмлари, лотереялар ва қимматбаҳо доғозлар бўлимининг бошлиғи А. М. ҲАЙДАРОВ.

Реклама ва эълонлар
ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАМ ИШЛАШ ВА ҚАСБГА ИШЛАШ МАРКАЗИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» НИНГ ҲАЖМИЛИ-БЛОКЛИ УСОЗЛИК ЭКСПЕРИМЕНТАЛ КОМБИНАТИГА:
қўлпошувчилар, арматурачилар, электр монтерлар, пулат ва темирбетон конструкцияларнинг монтаж қилувчи монтажчилар, дурадзорлар, бўёқчилар, электр лавандчилар, бетон қорши узелининг мотористлари ва операторлари, автотрансчи слесарлар.
Корхона янги ишга қираётганлар билан 1990 йилда кам оқилли кишилар учун бир йил мобайнида ётоқхона ва 4 йил мобайнида Тошкент шаҳрида пропискада туриш-турмаслигини қатъи назар шинам квартира бериш юзасидан шартномалар тузади.
Елғиз кишилар ётоқхонада жой билан таъминланади.
Маълумотлар олиш учун куйидаги маънавият мурожаат қилинсин: Спутник массиви, 2-квартал, 89-уй — Сергели район аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.
111-ЖУМҲУРИЯТ РУС ТИЛИНИ ЧУҚУР ҲАМ ИШЛАШ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ
1990-91 ўқув йили учун
5-СИНФГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Маъмур интернатга келувчи ўқувчи жумҳурият вилоятларида истиқомат қиладиган, бошланғич синфларни тугатган бўлиши шарт.
Қабул комиссияси 1 июндан 30 июнгача ҳар кун (яшанбадан ташқари) соғат 9 дан 14 гача ишлайди.
Ўқувчилар она тили, рус тили ва математика фанларидан баъзи иш ва суҳбат йўли билан синаб кўрилади.
Керакли ҳужжатлар: турилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асл нусха), соғлиги тўғрисида 26 ва 83-медицина формалари, бошланғич синф табеллари.
Қолган ҳужжатлар суҳбат натижасига қараб тайёрланади.
Интернат адреси: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, «Ц» квартал, метронинг «Чилонзор» бекети.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСПЛАНИ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ВА ТЕХНИКАВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
булимлар бўйича вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси йнма бўлиши: мудар, катта илмий ходимлар (2), илмий ходим, кичик илмий ходимлар (2);
оғир санаят: мудар, катта илмий ходимлар (2), илмий ходим;
енгил, маҳаллий ва мебель санаяти: мудар, етакчи илмий ходим, катта илмий ходим, кичик илмий ходим;
қурилиш комплекси: мудар, катта илмий ходим, кичик илмий ходимлар (2);
қийноқ ҳўжалиги: мудар, катта илмий ходимлар (5), илмий ходим;
агроеанаят комплексининг қайта ишлаш тармоқлари: мудар;
социал инфраструктураси: мудар, катта илмий ходимлар (2);
илмий-техника тараққийетини бошқариб бориш: мудар, етакчи илмий ходим, катта илмий ходимлар (2), кичик илмий ходим;
патент-конъюантура тадқиқотлари ва чет эл ингиликлари: бўлим мудар, чет эл ингиликлари секторларининг мударлари, катта илмий ходимлар (3), илмий ходим, кичик илмий ходимлар (2);
илмий-техника ахборотлари методологияси ва уни ташкил этиш: мудар, етакчи илмий ходим, катта илмий ходимлар (2), кичик илмий ходим;
автоматлаштирилган ахборот-қилувчи системалари: бўлим мудар, ахборотлари маъмурий ишлаб чиқилиш, математик таълиқлаш, электроника секторларининг мударлари, катта илмий ходимлар (2).
КОНКУРС МУДДАТИ — 17 МАРТГАЧА.
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАМ ИШЛАШ ВА ҚАСБГА ИШЛАШ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ
РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КўЧИРАДИ
КўЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ
— ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1990 йил 16 мартгача;
— КИРОВ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 23 мартгача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 13 апрелгача;
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 18 майгача;
— КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 24 майгача;
— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябр-гача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 7 сентябр-гача;
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябр-гача.
Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга тенгиз етдиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннага яқин буюм олиб келиш ҳўкуми берилади, бир йўлда ердан пули туланади, турар жой ёки квартира, ҳўлисида керакли буюмлар бўлган томоғқа берилади.
Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳўқидан озод этилади.
РАСМИЙЛАШТИРИШ БўЙИЧА ҚУЙИДАГИ АД-РЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛИСИН:
ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область шига жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюралари;
НУКУС ШАҲРИДА — ҚҚАССР республика марказига;
РАЙОНЛАРДА — шига жойлаштириш бюралари;
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Космонавтар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш министрига
«ЎЗВИТТЕХНИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАШ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ТАРБИЙА ҚУЙИДАГАН БУЛГАН АП АСОБИЕТ ПУНКТИ
ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ СИСТАЛАРИНИ СОТАДИ
АП-7104 ёниш қурилмаси,
АП-7100 перфолентадан кириш қурилмаси,
АП-7102 бошш қурилмаси,
АП-6100 перфолентадан кириш қурилмаси,
АП-5080 магнит лентасидан кириш қурилмаси,
ОЗУ АП-3751,
АП-7080 телевизион типдаги ЭЛТ,
АП-7190 перфолентадан кириш қурилмаси,
ЕС-9002 қурилмаси — 2 комплект.
Комплекта ёки алоҳида қурилма ҳолида.
Маълумотлар олиш учун телефонлар — 34-84-61, 33-15-13.
Тошкент ирригация ва қийноқ ҳўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтига жамоаси гидрометеорология иншоотларини эксплуатация қилиш кафедрасининг доцент И. Ж. Жўраевга турмуш ўртоғи Ширмоной Жўраеванинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
Тошкент давлат университетининг ректорати, партия ташкилотини ва касабга уюшмаси ташкилотини умуий масалалар бўйича проректор Геннадий Махкамович САИДАЛИЕВИННИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.
Тошкент давлат университетининг ректорати, партия ташкилотини ва касабга уюшмаси кафедрасининг доцент Абдуғофур Холметович ХОЛМЕТОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.
Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг ректорати, партия ва касабга уюшмаси ташкилотлари умуий масалалар бўйича проректор Саидалиевнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.